



Муаллиф: Абдурраҳмон Раъфат Бошо
Таржимон: Абу Туроб

ҚОДАМАЛЫҚ ҚОДАМАЛЫҚ ҚОДАМАЛЫҚ

Мұхаммад ибн Восеъ ал-Аздий

**“Амирларнинг қорилари бор, бойларнинг қорилари бор,
Мұхаммад ибн Восеъ Раҳмон таолонинг
қориларидандир”. (Молик ибн Дийнор)**

Биз ҳозир мүминлар амири Сулаймон ибн Абдулмаликнинг халифалик давридамиз...

Мана бу Исломнинг қинидан суғурилган қиличларидан бири ва Хурсоннинг қучли волийси Язид ибн Мұхаллаб ибн Абу Суфра, ўзининг – шаҳидлик излаган кўнгиллилардан ташқари – юз мингдан ортиқ лашкари билан душман томон олға юриб бормокда... У Журжон ва Табаристонни фатҳ қилишни ўз олдига мақсад қилган. Кўнгиллиларнинг аввалида улуғ тобеин, зайнул-фуқаҳо, Басранинг обиди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ходими, улуғ саҳобий Анас ибн Молик розияллоҳу анхунинг шогирди Мұхаммад ибн Восеъ Аздий ал-Басрий эдилар.

Язид ибн Мұхаллаб лашкарлари билан Диҳистонга келиб тушди. Диҳистонда ниҳоятда кучли-қувватли ва мустаҳкам қўрғонлар билан ҳимояланган туркларга мансуб бир қавм яшар эди. Улар мусулмонларга қарши ҳар куни жангга чиқишар, қийинчиликка дуч келиб қаттиқ қаршиликка учрасалар, баланд тоғларига ва тоғ ораларига чекинишиб, тоғнинг баланд ва мустаҳкам қоялари билан



ҳимояланиб олардилар.

Мұхаммад ибн Восеъ Аздий кексайиб қолгани ва жисмининг заифлашганига қарамай, бу жаңғда унинг катта үрни бор эди. Мусулмон лашкарлари унинг пок юзидан таралаётган иймон нуридан баҳраманд бўлар, унинг ширин тилидан чиқаётган қайноқ нидоларни эшитиб тетиклашар ва оғир дамларда унинг мустажоб дуолари билан қалблари ором олар эди. Унинг одатларидан яна бири, ҳар қачон қўмондон жанг бошлаганида, у: “Эй Аллоҳнинг отлиқлари олға! Эй Аллоҳнинг отлиқлари олға!” — деб нидо қиласар, унинг чақириғини эшитган аскарлар таъсирланиб, худди шер ўлжасига ташланганидек, душманга ёпирилар, ташна одамнинг жазира маунда муздек сувга талпинганидек, жанг майдонига талпинар эдилар.

Ана шундай қирғинбаротларнинг бирида душман тарафдан бир отлик чавандоз майдонга чиқди. Унинг баҳайбатлиги, бақувватлиги, журъати ва шаҳди мисли кўрилмаган даражада эди. Жанг майдонида отини гиҗинглатиб у ердан бу ерга айланы бошлади ва мусулмонларни жойларидан четта суриб, уларнинг қалбларига қўркув ва ҳайбат солиб қўйди. Сўнг кибрланган ва беодоблик билан мусулмонлардан бирини якама-якка олишувга чақирди. Такрор-такрор чақиравергач, охири Мұхаммад ибн Восеъ паҳлавон билан якама-якка олишувга чиқишига бел боғладилар. Ана шунда мусулмон чавандозларнинг ҳамияти қўзиб кетди ва улардан бири шайхга юзланиб, қасам ичиб деди: Шайх, сиз бундай қилманг, буни менга қўйиб беринг... Шайх рози бўлиб, унга нусрат ва мадад сўраб Аллоҳга дуо-илтижолар қилди.

Шундай қилиб олишув бошланди. Ҳар иккала чавандоз рақибига ўлимга бокқандай қарап эди. Улар икки кучли шер мисоли бир-бирларига ташландилар. Атрофдаги ҳар бир аскарнинг қалби-ю қўзи



бу икки паҳлавонга қадалган... Чамаси бир соатча қаттиқ олишдилар, бундай олишув уларнинг тинкаларини қуритди ваниҳоят иккала паҳлавон бир вақтда бир-бирининг бошига қаттиқ зарба бердилар. Туркийнинг зарбаси, мусулмон чавандознинг дубулғасига (темирдан ясалган бош кийим, шлем) келиб тушди ва қиличи дубулғада михланиб қолди. Мусулмон чавандознинг қиличи эса, рақибнинг пешонасига келиб тушди ва унинг бошини иккига бўлиб юборди... Сўнг ғолиб паҳлавон мусулмонлар сафига мисли кўрилмаган суратда қайтди. Унинг ҳолатини кўриб, ҳамма даҳшатга тушди. Чунки унинг қўлидаги қиличидан қон оқар, дубулғасига қадалган қилич эса қуёшнинг нурида яраклаб турар эди. Мусулмонлар уни таҳлил, такбирлар билан Аллоҳга ҳамд айтиб кутиб олдилар. Язид ибн Мұхаллаб чавандознинг бошида ва қўлида ялтираб турган қиличга қараб: “Отасига раҳмат! Ким экан бу чавандоз?” — деди. Атрофдагилар: “Мұхаммад ибн Восеъ дуосининг баракоти етган чавандоз бу”, — дедилар.

Туркий паҳлавон қатл қилинганидан сўнг, мусулмонлар палласи босиб кетди. Қуруқ ҳашакка ўт кетгани каби, қўрқув ва саросима мушриклар ичида тез ёйилди, мусулмонлар қалбida эса жасорат ва азизлик олови аланга олиб, Аллоҳнинг душманлари устига селдай ёпирилиб келдилар. Бўйинга солинган киshan каби уларни ўраб олдилар, улардан сув ва озуқа йўлларини кесиб қўйдилар. Шундан сўнг мушриклар подшоҳи сулҳдан бошқа йўли қолмаганини англаб, Язид ибн Мұхаллабга чопар юбориб, қўлидаги шаҳарларнинг ҳаммасини ундаги бор нарсалар билан бирга топширишини, эвазига ўзига, молига ва оиласига омонлик берилишини сўраб сулҳ таклиф қилди. Язид унинг таклифини қабул қилиб, етти юз минг дирҳам бўлиб-бўлиб, тўрт юз минг нақд товон тўлашни, заъфарон юклangan тўрт юз улов беришини ва яна ҳар бирининг қўлида бир жом кумуш, бошида эса



ипакдан бўлган қалпоқли кўйлак, унинг устида чопон, ва аскарларнинг хотинлари кийиши учун бир кийимлик шойи кўтарган тўрт юз киши юборишини шарт қилди. Жанг тугагач Язид ибн Мухаллаб хазинабонни чақириб: “Ҳар бир аскарга ўз ҳаққини тўлиқ адо этишимиз учун, ғанимат-ўлжани ҳисоблаб чиқиб менга хабар бергин” — деб, топшириқ берди. Хазинабон ва у билан яна бир қанча одам ғаниматни ҳисоблаб чиқишига ҳаракат қилдилар, бироқ, кўплигидан бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Шунда ғаниматлар лашкарларга ўзаро розичилик асосида бўлиб берилди.

Мусулмонлар ғаниматлар ичидан соф олтиндан ясалган, дуру гавҳарлар билан безалган, ўзига хос ажойиб нақшлар ўйиб ишланган тож топиб олдилар. Уни кўриш учун ҳамма бўйини чўзар, кўзлар эса унинг ярақлашига тикилганди. Язид тожни қўлига олиб, ҳамма қўрсин деб, уни юқорига кўтарди ва: “Нима деб ўйлайсизлар, мана шу тождан ўзини тиядиган, унга эътибор бермайдиган одам бормикин?” — деди. Лашкар: “Саломат бўлсинлар, ким ҳам ундан ўзини тия оларди?” — дедилар. Язид: “Мана кўрасизлар, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматлари ичida нафақат бу тождан, балки ер юзи тўла шунга ўхшаш тожлардан ҳам ўзини тиядиган, уни сариқ чақага ҳам олмайдиганлар бор”, — деди, сўнг хизматчисига қараб: “Мұхаммад ибн Восеъни топиб кел” — деб, амр қилди. Хизматчи шайхни излаш учун кетди. Қидира-қидира охири одамлардан узоқ бир ерда нафл намоз ўқиб, дуо-илтижолар ва истиффорлар айтиб турган ҳолатларида топди. Шайхнинг олдига келиб: “Амиримиз сизни йўқлаётган эдилар, шу онда боришингизни илтимос қилдилар” — деди. Шайх хизматчи билан бирга амирнинг олдига йўл олдилар. Етиб боришгач салом бериб амирга яқин ерга ўтирилар. Амир саломга алик олди ва тожни қўлига олиб:



“Эй Абу Абдуллоҳ, лашкарларимиз мана шу қимматбаҳо тожни қўлга киритибдилар, мен шуни сизга илиниб, сизнинг улушингиз сифатида бермоқчиман, аскарларимиз ҳам бунга рози” — деди. Мұхаммад ибн Восеъ:

- “Буни менинг улушимдан қилмоқчимисиз, эй амир?”
- “Ҳа, сизнинг улушингиздан қилмоқчиман”.
- “Менинг бунга ҳожатим йўқ, эй амир. Аллоҳ барчангизни яхши мукофотлар билан сийласин”.
- “Аллоҳга қасам ичиб айтаман, буни албатта оласиз”.

Амир қасам ичиб қўйгани учун Мұхаммад ибн Восеъ тожни олишга мажбур бўлдилар. Тожни қўлларига олиб, изн сўраб чиқиб кетдилар. Шайхни билмайдиганлар: “Ана, тожни ўзлариники қилиб олиб кетдилар-ку?” — деб висирашди. Язид ғуломларидан бирига, «Шайхнинг кетларидан билдиrmай кузатиб борчи, тожни нима қилар эканлар», деб шайхнинг изларидан юборди. Ғулом шайхнинг кетидан билдиrmай кузата бошлади. Мұхаммад ибн Восеъ қўлларида тож билан йўлда кетар эканлар, уст-боши чанг, соchlари тўзғиган, кўримсиз бир киши: “Бу Аллоҳнинг молиданми?” деб, сўраб қолди. Шайх ўнг, чап ва орқа томонларига назар ташладилар. Ҳеч ким кўрмаётганига амин бўлгач, тожни тезда сўровчининг қўлига тутқаздилар ва елкаларидаги тоғ қулагандай ўзларини енгил ҳис қилиб, хурсандлик билан йўлларида давом этдилар.

Ғулом сўровчининг қўлидан тутганча амирнинг хузурига олиб келди ва бўлган воқеани айтиб берди. Амир ундан тожни олиб, эвазига у



рози бўладиган микдорда кўп мол-дунё берди. Сўнгра лашкарга юзланиб: “Сизларга, Мұхаммад соллаллоҳу алаихи ва саллам умматлари ичидан нафақат бу тож, балки бунга бир неча баробар ортиқ келадиганларидан ҳам ўзини тиядиган, уни сариқ чақага ҳам олмайдиганлари бор, деб айтмаганмидим!” — деди.

Мұхаммад ибн Восеъ ҳаж мавсуми яқинлашгунига қадар Язид ибн Мұхаллабнинг байроғи остида мушрикларга қарши жиҳодда бўлдилар. Ҳажга оз вақт қолгач Язиднинг олдига кириб, ҳаж ибодатини бажариш учун кетишга изн сўрадилар. Язид:—

“Ихтиёр ўзингизда, эй Абу Абдуллоҳ, истаган вақтингизда йўлга тушишингиз мумкин, ҳаж сафарингизда керак бўладиган йўл ҳаражатларини беришга амр қилдик” — деди. Мұхаммад ибн Восеъ:

- “Лашкарнинг ҳар бирига ҳам шунча маблағ ажратишга амр қиласизми?”
- “Йўқ”.
- “Мусулмон лашкаридан ажralган ҳолда, фақат ўзимгагина хослаб бериладиган нарса менга керак эмас!” — деди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Мұхаммад ибн Восеънинг кетишлари Язид ибн Мұхаллабга ҳам ҳамроҳликларига ўрганиб қолган барча лашкарга ҳам оғир бўлди. Музаффар лашкар у зотнинг баракотларидан маҳрум бўлиб қолганидан афсусланиб, ҳаж ибодатини адo етгач яна ўз сафларига қайтишларини умид қилиб қолдилар. Бунинг ажабланарли ери йўқ, чунки, ер юзида таралган мусулмон лашкарларнинг ҳар бир



қўмондони, “Басранинг обиди” Мұхаммад ибн Восеъ Аздий ўз сафларида бўлишларига қаттиқ ҳарис эдилар. Улар шайхнинг ўзлари билан бирга бўлишларини катта яхшилик, деб, билишар, у кишининг тақволари ва дуолари туфайли Аллоҳ таоло уларга нусрат беришига орзуманд бўлардилар.

Ўзининг наздида ҳақир, аммо Аллоҳ ва одамлар наздида буюк бўлган бундай инсонлар нақадар улуғ! Мана шундай нодир инсонлардан насибадор бўлган тарих нақадар буюк!